



FARG‘ONA VILOYATI RISHTON TUMAN HOKIMINING Q A R O R I

24 02 2021yil

203 -son

Rishton.sh

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2013й., 15-сон, 17-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 4, 18-бандлари) ҳамда 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари тегишли тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари– юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2018 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар

томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Р.Мамасидиков)га тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриқдан (кейинги ўринларда матнда “техник-кўриқ” деб юритилади) ўтказилишин учун зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда ва техника хизмати кўрсатиш ишларини ташкил этсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларни тиркамалари – бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили хам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўриқка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда.

5. Мазкур қарорнинг 4-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга карашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 февралдан 31 августгача ўтказилсин.

6. Тумандаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2021 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказишжадвали 2-иловага мувофиқ, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2021 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва давлат хавфсизлик хизмати харбий бўлинмаларига тегишли транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши назарда тутилсин.

8. Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларни ундирилишида вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган тарифларга қатъий амал қилинсин.

9. Мажбурий техник кўриқ давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

10. “Риштон ҳақиқати” газетаси тахририяти (Йигиталиев), туман ҳокимлиги АКТ ходими (Д.Исмоилов) ушбу қарорни туман газетасида чоп этилишини ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 22 февралдаги 254-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



С.Солиев



Туман хокимининг 2020 йил
«24» 02 №203 сонли
қарорига 1-илова.

**Тумандаги транспорт воситаларини техник кўриқдан
ўтказиш комиссияси
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш	Лавозими
1	Р.Мамасидиқов	Риштон тумани ИИБ ДИХХГ катта инспектори катта лейтенант,-ишчи комиссия раиси
2	Х.Эркабоев	Туман автомотоҳаваскорлар жамияти-иш бошқарувчи
3	А.Марахимов	М.Келдиев ММТП бош муҳандиси-аъзо
4	З.Хожирахмедов	Туман Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлими бошлиғи
5	И.Курбонбоев	Туман КХТБ Давлат инспектори-аъзоси
6	Ш.Юсупов	Туман Мудофа ишлари бўлими техника назоратчиси
7	Б. Алиев	Ўзгросуғурта ДАСК бўлими агенти-ишчи гуруҳи



Туман ҳокимининг 2021 йил
«209» февраль кунги
№ 209 сонли қарорига
2-илова.

Туман ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли
йуловчи ташиш билан шуғулланувчи хусусий автобуслар махсус юк ташувчи
автотранспортларни 2021-йил мажбурий техник кўриқдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И.

№	Автокорхоналар номи	Манзили	Ўтказиш куни	Автомобилл ар сони	Мотоцикл лар сони	Тиркамал ар сони
	Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаси	Белгиланган ҳудудларда	01.02.2020 31.08.2020	458	1	23
1	«Келдиев» ММТП	Ок-ер к	02,03,2021	1		
2	«М. Топиволдиев» ММТП	Зоҳидон к	03,03,2021	4		
3	Собиржон саховати юлдузи Ф/Х	Зоҳидон к	04,03,2021	3		
4	Ватанпарвар ташкилоти	Чинигарон к	05,03,2021	17		1
5	Пахта тозалаш заводи	Дутир к	06,03,2021	6		
6	Риштон АЙБ бошкармаси	Шокир ота к	09,03,2021	10		
7	Риштон автотранс МЧЖ	Риштон ш.	10,03,2021	1		
8	Транстехника авто плус МЧЖ	Риштон Ш	10,03,2021	3		
9	Риштон Автоинвест МЧЖ	Авазбой	11,03,2021	6		
10	Транспорт касб хунар коллежи	Бужай киш	12,03,2021	3		
11	Халк таълими булими	Шокир ота к	13,03,2021	5		
12	Туман ММТП АЖ	Б.Махмудов	16,03,2021	2		
13	Риштон газтаъминот корхонаси фил	Топволдиев к	17,03,2021	9		
14	Риштон стандарт транс МЧЖ	Чинигарон	18,03,2021	29		
15	Хайвонларни даволаш корхонаси	Ок ер	19,03,2021	1		
16	«Узагросугурта» компанияси	Рошидоний	19,03,2021	1	1	
17	Риштон т Ободонлаштириш бош	Топволдиев к	20,03,2021	2		
18	Тоза худуд ДУК	Риштон ш	23,03,2021	19		
19	Матлуботсавдо инвес МЧЖ	Риштон ш	24,03,2021	5		
20	Ал-Умар АА 2003 х/к	Фаргона к	24,03,2021	2		
21	Туман СЭС	Рошидоний к	25,03,2021	2		
22	Бандликка кумаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш булими	Рошидоний к	25,03,2021	1		
23	Водийнефтгазавтотранс ш. к. АТК-1-4 филиали	Фаргона к	26,03,2021	57		16
24	Водийнефтгазавтотранс ш. к. АТК-3	Фаргона к	27,03,2021	26		3
25	Политехника коллеж	Туда к	30,03,2021	3		
26	Саноат Касб хунар коллежи	Фаргона к	31,03,2021	3		
27	Агрокимётаъминот корхона	Туқимачи к	01,04,2021	2		
28	Рус-Ўзбек текс МЧЖ	Туқимачи к	02,04,2021	12		
29	Жасур автогаз х/к	Қалайнав к	06,04,2021	2		
30	Электр таъминоти корхонаси	Фаргона к	07,04,2021	1		
31	Туман маданият ва спорт ишлари бул	Риштон ш	07,04,2021	1		

32	Риштон хокимати	Риштон ш	08,04,2021	7		
33	Агросаноат касб-хунар коллежи	Меҳнатобод к	09,04,2021	5		
34	Кишлоқ ва сув хужалиқ бошқармаси	Рошидоний	10,04,2021	2		
35	Бюджетдан ташқари пенсия жам	Шоқир ота к	13,04,2021	1		
36	Туман давлат солиқ инспекцияси	Риштон ш	14,04,2021	2		
37	Сувоқава корхонаси	Топволдие к	15.04.2021	3		
38	Молия булимий	Риштон ш	16.04.2021	1		
39	Риштон фермер хужалиқлари кенгаши	Риштон ш	16.04.2021	1		
40	Риштон авто спорт тех клуби	Риштон ш	17.04.2021	1		
41	ХММК-540 МЧЖ	Бужай	20,04,2021	1		
42	Нон комбинат хиссадор жамияти	Туқимачи	20,04,2021	1		
43	Ёркин плус давр х/к	Рошидоний	20,04,2021	2		
44	Риштон политехника КХК	Янгиобод	21,04,2021	4		
45	Омад х\фирмаси	Риштон ш	21,04,2021	1		
46	Ўзбек Турк к/к МЧЖ	Бустон к	22,04,2021	2		
47	Султон х\фирмаси	Уч арик	22,04,2021	4		
48	«Гуллобод-юрт»ф\х	Хуромобод	23.04.2021	1		
49	Яшил япроқ плус	Зоҳидон	23.04.2021	1		
50	Қахрамон Ф\Х	Оқ-Ер	23.04.2021	4		
51	Шим.Сух газ саклаш омбори	Навбахор	24,04,2021	42		1
52	«Имқоният» ф\х	Риштон	27,04,2021	1		
53	«Ахроржон» ф\х	Оқ-ер	27,04,2021	2		
54	Мамасиддик Қелдиев МЧЖ	Риштон ш	28,04,2021	1		
55	Турон Х\Ф	Оқ ер	28,04,2021	1		
56	Оқ-ер авто илм ургатувчи х\к	Оқ-ер	29,04,2021	6		
57	Рошидон имқон х\ф	Рошидоний к	30,04,2021	1		
58	Риштон чини Х\К	Рошидоний к	30,04,2021	2		
59	Йулдош сад Авто хамроҳ х\к	Туда	01,05,2021	2		
60	Қошона Қарвон х\к	Риштон	01,05,2021	1		
61	"Зоҳидон сифатли гишт" ХК	Риштон	29.04.2021	1		
62	Ўл Риштон қурилиш х\к	Риштон	30.04.2021	1		
63	Бирлашган мадат ф\х	Риштон	30.04.2021	6		
64	Зафарли юқалиш ф\х	Риштон	30.04.2021	1		
65	ОХА 94 Хусусий фирма	Риштон	30.04.2021	1		
66	Шухратжон Фарруҳбек саховати д\х	Оқ-ер	01.05.2021	1		
67	Рошидон ТАХИ МЧЖ	Риштон	01.05.2021	11		
68	Файзли шафтоли боғлари д\х	Оқ-ер	01.05.2021	1		
69	Низомиддин Саҳобиддин боғи ф\х	Воҳим	04,05,2021	1		
70	Доруломон файз Д\Х	Риштон	04.05.2021	1		
71	Олиф ИЧХК	Оқ-ер	04.05.2021	2		
72	Зайтун зиёфарм Х\К	Риштон ш	05.05.2021	1		
73	Ихтиёр-Смик Ф\Х	Оқ-ер	05.05.2021	2		
74	ЧП Ал-Азиз Абдулазиз Абдулхамид	Оқ-ер	05.05.2021	1		
75	Бустон мебел х\к	Бустон к	06.05.2021	3		
76	Инвест қурилиш таъмир сервис МЧЖ	Риштон ш	06.05.2021	2		
77	Адолатбону Моҳирабону х\к	Риштон	06.05.2021	4		
78	Самсуджон транс МЧЖ	Қошиқайрон	07.05.2021	8		1
79	Риштон савдо инвест МЧЖ	Риштон ш	07.05.2021	6		
80	Саломатлик маркази	Риштон	07.05.2021	1		

81	Замин плюс файз х/к	Риштон	08,05,2021	1		
82	Камолот х/ф	Риштон	08.05.2021	3		
83	Риштон ДСЭНМ корхонаси	Риштон ш	11,05,2021	2		
84	Риштон Инвест АА Х/К	Риштон ш	11,05,2021	2		
85	Машъал к/к	Дахбет	11,05,2021	6		1
86	SIMAX МЧЖ	Риштон ш	12,05,2021	1		
87	"Жураев Илхомжон ери" Д/Х	Б.МАХМУДОВ 27А	12,05,2021	1		
88	"Зиёбек Тохиржон" Д/Х	ДАШТ ПАНДИГОН	12,05,2021	1		
89	"Зоҳидон Замин" Д/Х	ЗОХИДОН	13,05,2021	1		
90	"Баходиржон Аслиддин" ХК	ОКЕР	13,05,2021	1		
91	"Ғаниев Тоҷали" Ф\Х	ЯНГИОБОД.	13,05,2021	1		
92	"Дилшоджон Одинахон" Д/Х	МИСКИН К 41	14,05,2021	1		
93	"Зироат Зар мужизаси" МЧЖ	АЛ РОШИДОНИЙ 27	14,05,2021	1		
94	"Камолот" Х\К	КЕЛДИЕВ	14,05,2021	1		
95	"Мехриғиё неъматлари" Х/К	Риштон Ш	15,05,2021	1		
96	"Риштон автошоҳбекат" МЧЖ	С. МАМАРАСУЛОВ	15,05,2021	1		
97	"Шерзоджон лимон ери" Д/Х	М.ТОПИВОЛДИЕВ	15,05,2021	1		
98	"Шифо" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ	КЕЛДИЕВ К	18,05,2021	1		
99	Ҳомидова Малоҳатхон Д/Х	ОК ЕР	18,05,2021	1		
100	Рошидон асл сабзавотлари Д\Х	ЖАХОНОБОД	18,05,2021	1		
101	Рошидон савдо Д/Х	ТОПИБОЛДИЕВ 10	19,05,2021	1		
102	Тупрогида гавхар ўсган боғ ДХ	РОШИДОНИЙ К201	19,05,2020	1		
103	Бакиржон гавхари	АНХОР БУЙИ	19,05,2021	1		
104	Миришкор Ок-Ер умиди Ф\Х	ОКЕР	20,05,2021	1		
105	Муниса хусусий савдо И\Ч\Ф	ФАРҒОНА К	20,05,2021	1		
106	Низомиддин саҳобиддин боғи Ф\Х	ВОХИМ К	20,05,2021	1		
107	Ойбекжон файзли ери Д\Х	АВЗБОЙ	21,05,2021	1		
108	ОК-ЕР НОНИ МЧЖ	ОКЕР	21,05,2021	1		
109	МЧЖ "БУНЁДКОР БУЖАЙ КУРИЛИШ"	БУЖАЙ К	21,05,2021	1		
110	МЧЖ "ЗИРОАТ-ЗАР МУЖИЗА" МЧЖ	РОШИДОНИЙ 27	22,05,2021	1		
111	МЧЖ RISHTON QURILISH INVEST МЧЖ	А НАБИЕВ К 33	22,05,2021	1		
112	"АХМЕДОВ УЛУГ'БЕК ҲЕРИ" ФЕР/ХЎЖ	МЕХНАТОБОД К	22,05,2021	1		
113	"ГУЛАСАЛ ГУЛЁРА БОГИ" Ф\Х	ЖАХОНОБОД К	25,05,2021	1		
114	"ZAFARLI YUKSALISH" Ф\Х	СУХОБОД К	25,05,2021	1		
115	"ДОРУЛОМОН ФАЙЗИ" Д\Х	БОҶИЙ 28 2	25,05,2021	1		
116	"ҚАХРАМОН" ФЕР/ХЎЖ	ОКЕР Қ	26,05,2021	1		
117	"ТУРДИБОЙ ОТА САХОВАТИ" ФЕР/ХУЖ	АВАЗБОЙ	26,05,2021	1		
118	"ФИДОКОР" Ф\Х	ДУТИР ЁШЛИК К21	26,05,2021	1		
119	ТУРОН ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	ОК-ЕР	27,05,2021	1		
120	ЎРИНБОЙ-ОТА ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ	ЗОХИДОН МФЙ	27,05,2021	1		
121	"ИСМОИЛОВ МУСЛИМ САХОВАТИ" Д/Х	РИШТОН Ш	27,05,2021	1		
122	АТВ МИКРОКРЕДИТ БАНК	Риштон ш	28,05,2021	1		
123	"АХМЕДОВ УЛУГ'БЕК ҲЕРИ" ФЕР/ХЎЖ	МЕХНАТОБОД К	28,05,2021	1		
124	"FAYZLI BOG'VON BOGI" Ф\Х	М КЕЛДИЕВ	28,05,2021	1		
125	"ГУЛАСАЛ ГУЛЁРА БОГИ" Ф\Х	ЖАХОНОБОД К	29,05,2021	1		
126	ТИЛЛОРАНГ МЕВАЛАР БОГИ Ф\Х	ҒИЙЛМА КИШЛОК	29,05,2021	1		
127	"МАДИНА" КТХФ	АВАЗБОЙ	29,05,2021	3		
128	"SHUKRONA DIZAYIN FAYZ" ХУС/КОРХ.	Риштон Ш	29,05,2021	3		
	Жами:			458	1	23



Туман хокимининг 2021 йил
«~~20~~» 02 № ~~203~~ сонли
қарорига 3-илова.

Туман худудидаги юридик шахсларга қарашли йуловчи ташиш билан
шуғулланувчи хусусий автобуслар махсус юк ташувчи автотранспортлари 2021
йил мажбурий техник кўриқдан ўтказишни 2-босқичи.

Ж А Д В А Л И.

№	Автокорхоналарноми	Манзили	Ўтказиш куни	Автомобиллар сони	Мотоцикллар сони	Тиркама лар сони
1	Ватанпарвар ташкилоти	Чинигарон	16.09. 2021.	2		
2	Пахта тозалаш заводи	Дутир	17.09. 2021.	1		
3	Рус-Узбек текс МЧЖ	Риштон	18.09. 2021	2		
4	Транстехника МЧЖ	Риштон	19.09. 2021.	2		
5	Риштон Автоинвест	Авазбой	20.09. 2021.	2		
6	Шим.Сух газ омборихис/ж	Навбахор	21.09. 2021.	12		
7	Фодийнефтгазавтотранс шуба корхона АТК-1	Фаргона к	23.09. 2021.	7		
8	Фодийнефтгазавтотранс шуба корхона АТК-4	Фаргона к	24.09. 2021.	4		
9	Водийнефтгаз АТК-3	Фаргона к	25.09. 2021.	2		
10	Риштон МТП АЖ	Б.Махмудов	26.09. 2021.	1		
11	«Собиржон саховати юлдузи» Ф/Р	Риштон	27.09. 2021.	2		
ЖАМИ:				37		